

Ўзбекистон Раҳбари Ғазо секторидаги мавжуд вазиятни тинч йўл билан ҳал қилиш зарурлигини қайд этди



2025 йилнинг 1 сентябрь куни Хитойнинг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти плюс» форматидаги йиғилишдаги нутқида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бугунги нотинч ҳалқаро шароитда ШХТ барқарор ва адолатли жаҳон тартиботини таъминлашнинг ишончли таянчига айланадиганини таъкидлади. Низо ва можаролар тўлқинини тўхтатиш, ишончни қайта тиклаш, тинч-тотув ҳаётга интилиш, ҳалқаро хукуқнинг умумеътироф этилган тамойил ва меъёрларини ҳурмат қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Бу ўринда Ўзбекистон Раҳбари Ғазо секторидаги вазият тобора кескин тус олаётганини ва гуманитар аҳвол ёмонлашаётганини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев Фаластин-Исройл муаммосини «икки ҳалқ учун икки давлат» тамойили асосида адолатли ҳал этишгина Яқин Шарқдаги можарони тўхтатиши мумкинлигини яна бир бор қайд этди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Фаластиндаги, жумладан Ғазо секторидаги вазият жаҳон ҳамжамиятининг дикқат марказида турибди. Бугунги кунда Фаластин аҳолисининг дори-дармон, озиқ-овқат, тоза сув ва бошқа ҳаётий ресурслардан фойдаланиш имконияти чекланган.

Бу ўринда, Ўзбекистон ҳарбий ҳаракатлар бошланганидан буён ушбу можарони ҳалқаро хукуқ нормалари асосида тинч йўл билан тезроқ ҳал этиш тарафдори бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Президенти Ғазодаги мураккаб гуманитар ҳолатни яхшилаш, минтақада тинчлик ва барқарорлик қарор топишига оид интилишларини ва таклифларини Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби йирик ҳалқаро ташкилотлар минбарларидан туриб ҳам билдириб ўтган.

Ўзбекистон томони можарони муроса ва сиёсий-дипломатик воситалар билан ҳал қилишга чақирибгина қолмай, Ғазо секторидаги мавжуд оғир гуманитар ҳолатни яхшилаш учун ўзининг

амалий ва беғараз ёрдамини хам кўрсатмоқда.

Жумладан, 2023 йилда Шавкат Мирзиёев Ғазо сектори аҳолисига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Яқин Шарқ агентлигига 1 миллион 500 минг доллар ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. 2024 йилда Президентимиз ташаббуси билан 100 нафар фаластиналк ярадор аёллар ва болалар ўз ҳамроҳлари билан бирга Ўзбекистонга вақтинча эвакуация қилинди. Улар реабилитация марказлари ва шифохоналарга жойлаштирилди.

Ўзбекистон Раҳбарияти бундай ишлар билан чекланмаган ҳолда, фаластиналк меҳмонларнинг жамиятилизга мослаша олишларига кўмак кўрсатиш мақсадида қўшимча чора-тадбирлар кўрмоқда. Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёев 2025 йилнинг 14 августида Ўзбекистонга келган Фаластин фуқароларига доимий ғамхўрлик кўрсатиш ва ижтимоий қўллаб-куватлаш тўғрисидаги фармонни имзолади.

Ёрдамни мувофиқлаштириш мақсадида фаластиналк беморлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчиларни Ўзбекистонга яшашга мослаштириш жараёнига кўмаклашиш бўйича Республика комиссияси тузилди. Ушбу комиссиянинг ишчи органи этиб Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги белгиланди. Жойларда меҳмонлар билан бевосита ишлаш «маҳалла еттилик» ва «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан амалга оширилади. Ҳар бир оила учун бир ой муддатда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимиёт органлари, шунингдек, уларнинг бўлинмалари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатишнинг индивидуал режаси ишлаб чиқилади.

Президент, бундан ташқари, мамлакатда Фаластин фуқароларининг яшаш шароити ва ижтимоий қўллаб-куватланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига махсус жамғарма ташкил этилишини маъқуллади. Мазкур жамғарма маблағлари меҳмонларга шароит яратиш ва зарур хизматлар кўрсатиш, уларнинг харажатларини қоплаш, моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа бир қатор қўллаб-куватлаш тадбирларига йўналтирилади.

Ўзбекистон Раҳбарининг Ғазодаги гуманитар вазиятни янада барқарорлаштириш, можаронинг тез фурсатларда муроса йўли билан ҳал этишга қаратилган чақирувлари, шунингдек Фаластин аҳолисига кўрсатаётган юксак эҳтироми ва амалий ҳаракатлари олийжаноб ўзбек халқининг ҳоҳиш-иродасини яққол намоён этиб турибди.

Ўзбекистон Президентининг тегишли ташабbusлари билан Ғазода мураккаб аҳволга тушиб қолган аҳолига хар томонлама беғараз гуманитар кўмак кўрсатилаётгани мамлакатимизнинг умуминсоний қадриятларга хурматини, миллатлараро ва динлараро ўзаро тотувлик тамойилларига, қўшни мамлакатлар билан аҳил қўшничилик сиёсатини олиб боришга содиқлигини яна бир бор тасдиқлади. Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та конфессия вакиллари бағрикенглик тамоили асосида тинч-тотув яшаб келмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Яқин Шарқдаги ушбу можаронинг халқаро хуқуқ меъёрлари асосида тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган бундай жадал амалий ҳаракатларининг туб замираидатини тинчликсевар прагматик ташқи сиёсат ётибди. Тинчлик ва барқарорлик хукм сурган минтақада изчил тараққиёт, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш ва эртанги кунга ишонч бўлади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ШХТ минбаридан туриб тинчлик ва осойишталик эртанги кун тараққиётининг асосий қалити эканлигини, бу ўринда турли низо ва можароларнинг тўлқинини узиш, Ғазодаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этилишига қаратилган мурожаати тинчликсевар ўзбек халқининг ҳоҳиш-иродасини, мақсад ва истакларини ўзида акс эттирди. Бу ўринда Давлатимиз Раҳбарининг жаҳон ҳамжамиятининг можарони ҳал қилишда янада фаол ҳаракатларни амалга оширишга оид чақируви кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда халқаро хавфсизликни таъминлаш масалаларига эътиборни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Сарвар Камолов,

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги СМТИ бош илмий ходими**